

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 йил «26» январь

№ 2

Тўрткўл тумани

Тўрткўл туман мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринда «Харидор» деб юритилувчи) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Р. Розумбетова бир тарафдан ва иккинчи тарафдан «BARAKAT TO'RTKO'L» маъсулияти чекланган жамияти (кейинги ўринда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбар Ж. Бозов икки томонлама ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича Етказиб берувчи «Харидор»га озиқ-овқат маҳсулотларини (кейинги ўринда Маҳсулот деб юритилади) етказиб беришни, «Харидор» эса Маҳсулот ҳақини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг аниқ турлари, сифати, миқдори, баҳоси ва етказиб бериш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган бўлимида келтирилади.

2. ТОВАРНИНГ БУТЛАНИШИ ВА СИФАТИ

- 2.1 Етказиб берилаётган маҳсулотлар ўз сифати ва бутланиши жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25-июлдаги 626-сонли қарорига асосан давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тузилган бракераж комиссияси аъзолари етказиб берилган ҳар бир маҳсулот сифатини кафолатловчи ҳужжатлар (сертификат, маркировка) мавжудлиги, шартномада белгиланган нархи ва маҳсулотнинг тавсифига мувофиқлигини кўриб чиқади.

3. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1. «Етказиб берувчи» маҳсулотнинг 30 фоизи учун аванс тўлови сотиб олувчи томонидан казилган кунидан бошлаб 10 кунлик иш кунида шартномадаги Маҳсулотни етказиб беради.
- 3.2. «Етказиб берувчи» Маҳсулотни қабул қилиш манзилига,қоида тариқасида ўзининг транспортда етказиб беради.
- 3.3 Етказиб берилган маҳсулот сотиб олувчининг масъул ходими томонидан транспорт ҳужжати ва тапшириш-қобул қилиш далолатномаси асосида қобул қилинади.

4. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси **182.316.000 (бир юз саксон икки миллион уч юз олти минг) сўмни ташкил қилади.**

4.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг турлари ва баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилади. Маҳсулотнинг баҳоси ўзгарганида, томонлар тарафидан ўзаро келишув асосида кўшимча шартнома тузилиб ўзгартирилади.

4.2. Етказиб бериладиган Маҳсулот учун ҳисоб-китоблар шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан, қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ қабул қилиниб олинганидан сўнг пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 «Етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:

5.1.1 Шартнома асосида берилган буюртмани кўрсатилган муддатларда ва миқдорида Маҳсулот етказиб бериш;

5.1.2 Етказиб бериладиган Маҳсулотнинг сифатини шартномада белгиланган талабларга, шунингдек, амалдаги стандартлар ва нормаларга мувофиқ бўлишини таъминлаш.

5.1.3 Маҳсулот етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, аниқланган барча камчиликларни «Харидор»нинг талаби билан 10 кун муддатда ўзининг ҳисобидан бартараф этиш.

5.1.4 Етказиб берилган Маҳсулотлари учун тўла кафолат беради ва сифати учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

5.2. «Етказиб берувчи» нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. «Харидор» дан шартнома бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни.

5.2.2 «Харидор»нинг шартнома бўйича олган мажбуриятларини бажаришни талаб этиш.

5.2.3 «Харидор» шартнома шартларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаганида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт судларига бериш.

5.3. «Харидор» нинг мажбуриятлари:

5.3.1 Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш.

5.3.2 Етказиб берилган Маҳсулот учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш.

5.3.3 Етказиб берилган Маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

5.4. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

5.4.1 «Етказиб берувчи» дан шартнома шартларига амал қилишни талаб этиш.

5.4.2 Етказиб берилган Маҳсулотлар сифатсиз ёки талабга жавоб бермаса, бу ҳақда, «Етказиб берувчи»ни огоҳлантириш ва маҳсулотни алмаштириб беришни талаб қилиш.

5.4.3 «Етказиб берувчи» ўз зиммасига олган шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодиёт судига бериш.

6. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

6.1. Мазкур шартнома бўйича, тарафлар барча мажбуриятларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда зарур тарзда бажаришлари керак.

6.2. Тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласалар, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

6.2. Маҳсулотни топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари тузилган сана Етказиб бурувчи томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Шартномага мувофиқ етказиб бериладиган Маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўламаганда «Харидор» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

7.2. Маҳсулот етказиб бериш кечиктирилганида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажармаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Маҳсулот қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

7.2. Етказиб берилган маҳсулотнинг сифати ва ассортименти шартнома шартларига жавоб бермаганида айбдор тараф етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган Маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.3. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штапмида кўрсатилган сана Маҳсулотга ҳақ тўлаш «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатларда, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитлардаги вазиятларда зилзила, сув тошқини, сел, ёнғин, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8.2. Ушбу шартномани бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари керак.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномани бажариш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

9.2. Тарафлар келишмовчилик ва низолари келиб чиққан тақдирда судгача низони ҳал қилиш учун талабнома бериш ҳуқуқига эгадирлар.

9.3. Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низолар суд тартибида ҳал қилиш ҳуқуқига эгадирлар

10. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

11.2. Шартнома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилди.

11.3. Шартнома нусхаларининг барчаси тенг юридик кучга эга.

11.4. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартиришлар ва қўшимчалар томонларнинг розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.

11.5. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли Қарори ва Бюджет кодексининг 176-моддасига мувофиқ давлат Ҳазначилик бўлинмасидан мажбурий турда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ХАРИДОР

Ташкилот номи: Тўртқўл туман мактабгача таълим бўлими

Манзили: Тўртқўл Мустақиллик кўчаси, №8

Тел: 532-51-54

Л/С: 400522860352337091100251033

ИНН: 207267836

Банк: Марказий банк Тошкент Бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00014 ОКОНХ: 84130

Ҳазначилик бўлинмаси номи:

Молия Вазирлиги ягона Ҳазна ҳисобвараги Х/р: 23402000300100001010

Директор:

ЎТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Ташкилот номи: «ВАРАКАТ ТО'РТҚО'Л» МЧЖ

Манзили: Тўртқўл тумани, Тошкент кўчаси, 2 уй

Тел: 532-03-74 97 789 79 52

Х/р: 20208000803327353001

Банк: Миллий банк, Тўртқўл филиали

ИНН: 200367961

МФО: 00846 ОКОНХ: 71150

Директор:

Р.Розумбегова



2022 йил "26" январдаги

№ 2 шартномага

ИЛОВА

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1	Музлатилган балик	кг	45	25000	1125000
2	Гречка	кг	405	13000	5265000
3	Гуруч	кг	334	5500	1837000
4	Дрожжа	кг	8,2	32000	262400
5	Каймоқ	кг	44	14000	616000
6	Какао	кг	108,5	45000	4882500
7	Карам	кг	1687	2300	3880100
8	Картошка	кг	3466	4000	13864000
9	Кефир	литр	980	4500	4410000
10	Кўк чой	кг	19,7	25000	492500
11	Курук мева	кг	153	14000	2142000
12	лавлаги	кг	1044	1500	1566000
13	ловия	кг	104	10000	1040000
14	Макарон	кг	611	6000	3666000
15	Манная ёрмаси	кг	469	7500	3517500
16	Мева шарбати	литр	5943	6000	35658000
17	Мевали павидло	литр	477	11000	5247000
18	мош	кг	182	10000	1820000
19	Нон 0,500 кг	шт	10706	1400	14988400
20	Нўхат ёрмаси	кг	211	6500	1371500
21	ош кавок	кг	1549	1500	2323500
22	Ош тузи	кг	278	800	222400
23	пахта ёғи	кг	469	15000	7035000
24	Перловка ёрмаси	кг	101	5000	505000
25	Печенье	кг	30	15000	450000
26	Пиёз	кг	1490	2000	2980000
27	Пишлоқ	кг	59	25000	1475000
28	Сабзи	кг	1553	2000	3106000

29	Сари ёғ	кг	146	44000	6424000
30	Сут 3,2 %	лт	3805	4500	17122500
31	Тварог	кг	60	14000	840000
32	Томат паста	кг	285	15000	4275000
33	гурп	кг	1076	1300	1398800
34	Тухум	шт	16864	800	13491200
35	Ун 1-нав	кг	1306	2700	3526200
36	Шакар	кг	1166	7500	8745000
37	шолгом	кг	497	1500	745500
38					
39					
	ЖАМИ				182316000



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUNCHILIK
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Fuqarolik (mahsulot yetkazib berish) shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

To'rtko'l tumani maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 24-yanvarda dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tumani

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

bosh yuriskonsulti



N. Saparboyev

2022-yil "26" yanvar